

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 34+336.242 (575.1)

АЛИМБАЕВ СОБИТ АХМАДОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА
ҲУДУДИДА ТОВАР АЙИРБОШЛАШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ**

**12-00-02: «Давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурӣ ҳуқуқ;
молия ҳуқуқи» ихтисослиги**

**Юридик фанлар номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган дгссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ-2003

**Диссертация Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона
қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иброҳим
Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида бажарилган**

Илмий раҳбар:

**Юридик фанлари доктори,
профессор**

О. Т. Хусанов

Расмий оппонентлар:

**Юридик фанлари доктори
А.С. Турсунов**

**Юридик фанлари доктори.
М. Бойдадаев**

Етакчи ташкилот: Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳузуридаги
Д.005.10.01. ракамли фан доктори илмий даражасини олиш учун
диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган Кенгашининг
2003 йил “___” ____ куни соат “___” даги мажлисида бўлиб
ўтади. (700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ, кўчаси, 45-уй).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академиясининг кутубхонасида
танишиши мумкин.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Тадқиқот мавзусининг долзарбилиги.

Ўзбекистон Республикаси Жаҳон Ҳамжамиятига, Президентимиз И. А. Каримов олға сурган беш тамойилни дастуриламал қилиб олган ҳолда, тенг ҳуқуқли аъзо сифатида кириб бораяпти. Бу тамойилларнинг деярли ҳаммаси халқаро иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ, маънавий – ижтимоий ҳаётлар билан, бинобарин божхона тизими билан ҳам бевосита ёки билвосита боғлиқдир.

Маълумки, божхона тизими ўзига хос бутун бошли мураккаб тизимдир. Ҳар бир тизимнинг ўз элементлари бўлгани каби унинг ҳам ўз элементлари, оддий тиlda айттанда, таркибий қисмлари бор.

Фалсафа ва ҳуқуқшунослик фанларида эътироф этилганидек, жамиятнинг қандай тизим ва элементлари бўлса, уларда, албатта ҳал этилган масалалар ва ҳали ўз ечимини топмаган муаммолари бўлади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг қарор топиши – товар айирбошлаш, пул муносабатлари билан боғлиқ бўлган жисмоний ва юридик шахслар, давлат, шу жумладан хорижий фуқаролар ва ташкилотлар ўртасида вужудга келадиган мулкий муносабатларни ва мулк билан боғлиқ бўлмаган муносабатларни тартибга солиш муаммосини вужудга келтиради.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган Божхона кодекси, Бож тарифи ҳамда Давлат Божхона хизмати тўғрисидаги қонунлари бу муаммоларни қисман ҳал этиш имкониятини яратди.

Диссертация мавзуси ҳанузгача маҳсус тарзда илмий тадқиқ этилмаган мураккаб муаммога бағишланган. Унинг мураккаблиги шундаки, бу мавзу умуман, божхона тизими каби иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик ва сиёсат билан узвий боғланган. Ҳозирги даврда илм – фан, асосан, икки, уч соҳанинг туташган нуқтасида тарақкий этганини ҳисобга олсак, бу мавзунинг долзарбилиги, қийинлиги, назарий ва амалий аҳамиятлари катта эканлигига тўла ишонч ҳосил қиласиз.

Божхона масаласи иқтисодиёт, молия, савдо – сотиқ, ҳуқуқ, сиёсат, статистика, ҳатто маънавий – ахлоқий омиллар билан узвий боғлиқдир: унда реал ва абстракт имкониятлар мўл – кўл: у объектив шароитлар ва субъектив омиллар билан бевосита ёки билвосита, доим ёки муваққат боғлиқ. Шунинг учун унда турли муаммолар тез – тез юзага келиб туради. Булар айниқса, бизнинг тадқиқот мавзумизга тегишли бўлиб, яъни: божхона ҳудудидан товар айирбошлаш, божхона тўловларини ундиришни амалга ошириш, божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож ставкаларини тез – тез ўзгариб

турнишини аниқлаш, божхона юк баённомаларини түзиш, Қирим – чиқимлар ҳисоботини йўлга қўйиш, божхона экспертизасини ташкил этиш, уларнинг давлат иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий манфаатларини муҳофаза қилишларининг деярли барчаси муаммоли масалалардир.

Айни вақтда, божхона хизмати ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ҳам эканлигини, унинг қонунчилиги ҳаётий, объектив заруратдан келиб чиқишини исботлаш ва ушбу ҳолатни бу ишларга даҳлдор жисмоний ва юридик шахсларга тушунтириш, англамаган ҳуқуқбузарларни жиловлаш ҳам осонликча ҳал этилмайдиган муаммолардир. Бундан ташқари божхона фаолиятини амалга оширишда контрабандага, божхона қоидаларининг бузилишиларига, бузғунчиларнинг таҳдидларига қарши курашиш, буларнинг олдини олиш ундан ҳам чигал муаммоли чора – тадбирлардир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси

Божхона иши соҳасининг илмий – назарий ва амалий асослари мамлакатими^т миқёсида, қолаверса дунё миқёсида О. Мўминов, М. Қориев, С. Зиёдиллаев, И. Искандаров, С. Гуломов, А. Қодиров, О. Ҳикматов, М. Шарифхўжаев, Х. Собиров, Р. Убайдуллаев, А. Бекмуродов, И. Асқаров ва бошқа олимларнинг асарларида назарий ва амалий аксини топган.

Ҳуқуқшунослик назарияси ва амалиёти, жумладан, божхона тизимининг ҳуқуқий асослари ва амалий масалалари ҳуқуқшуносларнинг мураббийлари бўлмиш ўзбек олимлари О. Эшонов, А. Аъзамхўжаев, Ш. Ўразаев, Х. Раҳмонқулов, М. Гофуржонов, М. Файзиев ва бошқа олимларнинг асарларида ёритилган.

Диссертация мавзусига бевосита тааллуқли бўлган илмий – назарий манбаҳар орасида С. Орипов, Ш. Шорахмедов, А. Шермуҳамедов, Н. Махмудов, А. Алиев, Н. Асқаровларнинг асарларини кўрсатиш мумкин.

Шу билан бирга, бозор муносабатларининг ривожланиши, ташқи савдо муносабатлари билан боғлиқ муаммоларининг кўп қирралиги – Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида товар айирбошлашнинг ташкилий – ҳуқуқий асосларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади.

Ўзбекистонда ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш шароитида божхона ҳудудида жисмоний ва юридик шахслар томонидан товар айирбошлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий муаммолари моҳиятини назарий ва амалий таҳдил қилиш, уларнинг ичki мазмунини очиш зарурятни ушбу диссертация мавзусини танлашга асос бўлди.

Таҳқиқотнинг объекти. Жаҳон бозорига фаол кириб бораётган Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида товар айирбошлашнинг ташкилий – ҳуқуқий асослари тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Иқтисодий ислоҳотлар шароитида ташки савдо фаолиятини эркинлаштириш ва такомиллаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб бўлган юридик шахслар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан товар айирбошлишни ташкил этишининг мавжуд ҳуқуқий асосларини таҳдил қилиш ва уни янада такомиллаштириш тадқиқот предмети бўйиб хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикаси божхона тизими ва сиёсатининг асосий тамоъиллари ва функцияларини аниқлашдан, божхона чегаралари орқали товарларни олиб ўтишнинг тартиб – қоидаларини таҳдил қилиш ва тавсифлашдан, ташки иқтисодий фаолият субъектлари томонидан божхона тартиб – қоидаларининг бузилиши ва уларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги муаммолари ечимларини излаб топишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қўйидаги вазифалар олға сурилган ва маълум даражада бажарилган:

– Республика иқтисодиётининг жаҳон ҳўжалиги билан интеграциялашувида божхона фаолиятининг аҳамияти;

– Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда божхона хизматининг ҳуқуқий асослари;

– божхона расмийлаштируви жараёнида жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ташкилий – ҳуқуқий масалалари;

– товарларни олиб ўтища божхона ҳудуди ва чегараси тушунчалари талқини ва ҳуқуқий мақомини белгилаш муаммолари;

– товарларни божхона чегараларидан олиб ўтища божхона режимлари ва уларни тартибга солиш муаммолари;

– божхона қонунчилиги бўйича товарларни божхона чегараларидан олиб ўтишнинг усуллари ва ҳуқуқий шартлари;

– товарларни божхона чегараларидан олиб ўтища ташки иқтисодий фаолият субъектлари томонидан содир этиладиган божхона тартиббузарликлари ва уларнинг олдини олиш йўллари;

– божхона органлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқий кафолати сифатида МЖТК нинг айрим моддаларига қўшимчалар киритиш;

– божхона тартиб – қоидаларини бузганлик учун жавобгарликларнинг айрим турларини кучайтириш зарурлигини изоҳлаш;

– ташки иқтисодий фаолият субъектларининг қонуний ҳуқуқлари, манфаатларини муҳофаза қилиш усул ва тартибларини белгилашни янада такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари

И.Каримовнинг алоҳида рисола ва китобларида, маъруза ва нутқларида, мухбирларнинг саволларига берган жавобларида, табрикнома ва фармонларида баён қилинган иқтисодиёт, сиёсат,

ҳуқуқ, қонун ва қонунчилик, маънавият ва маърифат. ғоя ва мафкура, моддий ва маънавий маданият, бозор муносабатлари, ўзбек модели, фуқаролик жамияти каби масалаларга доир ғоя, таълимот, таъриф, тавсифлари ва дастурлариdir.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, унда асосланган қоида, ғоя, мафкура, концепция, нуқтаи назар, статистик маълумотлар, амалий тавсия, таклиф ва хулосалардан – божхона тизимининг ўрта махсус ва олий ўқув юргларида **«Божхона иши асослари»** ўқув курси (предмети) ни ўқитишида, божхона ходимларининг малакасини оширишида, бу соҳадаги жисмоний ва юридик шахсларни аттестациялардан ўтказишда, уларнинг фаолиятларини назорат қилишда ва ҳоказоларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг услубий асосини – божхона ҳудудида товар айирбошлишининг можияти, табиати, жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг воситаси сифатида ҳуқуқнинг тутган ўрни тўғрисидаги иқтисодий ва ҳуқуқий таълимотлар ташкил этади. Бу асослар илмий фалсафанинг қонун ва категориялари, ворислик, тарихийлик ва мантиқийлик, сабабий боғланишлик, системали ёндашув каби принциплариdir.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

– 1997 йилда қабул қилинган Божхона Кодексидаги айрим моддаларнинг татбиқ доиралари ўтган 5 йил ичидаги кенгайтанлиги, баъзан торайганлиги муносабати билан уларни бу жараёнларга мувофиқлаштириш зарурати туғилганлиги исботланди;

– диссертацияда божхона қонунчилигининг ҳали ўз ечимини топмаған бир қанча муаммолари қайд этилиб, уларнинг ечимлари ҳақидаги тавсия ва таклифлар олға сурилди;

– товар айирбошлаш, яъни уни божхона чегараларидан олиб ўтишда гиёхвандлик, портловчи ва кимёвий токсин моддалар, бузгунчи, экстремистик адабиётлар ва ҳоказоларни олиб ўтувчилар кўпаяётганлиги, бинобарин, ҳар томонлама катта зарарлар келтирганлигини ҳисобга олиб, бу соҳалардаги қонунбузарликларга нисбатан жазо чораларини жуда ҳам кескинлаштириш – кечикитириб бўлмайдиган зарурат эканлиги исботлаб берилган;

– мамлакатимизда ташки иқтисодий фаолиятни интенсив равишида ривожлантириш мақсадларида мазкур фаолият қатнашчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари мавжуд қонуларда ҳанузгача акс эттирилмаган усул ва тартиблари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти – изланиш давомида баён қилинган илмий – амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялардан – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган амалий ишларда.

шунингдек, ҳуқуқшунослик ва божхона иши мутахассисларни бўйича талабаларни ўқитишида фойдаланиш чумкин.

Гафқиқот натижаларининг муҳокамадан ўтказилиши.

Диссертация материаллари бўйича: Республика божхона хизмати ходимлари томонидан 1995 йилда ўтказилган И.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида» асарига бағишлиган илмий – амалий конференциясида, «Божхона хизматини модернизациялаш ва унинг асосий йўналишлари» мавзусидаги Республика илмий – амалий анжуманида (1998 йил), 2002 йил 21 – 22 майда Солиқ ва божхона органлари Академиясида ўтказилган «Иқтисодиётни эркинлаштириш шаронтида божхона тизимини такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги Республика илмий – амалий конференциясида, 2002 йил 13 июнда Давлат божхона қўмитасида ўтказилган божхона маскани бошлиқларининг «Божхона фаолиятини такомиллаштириш, шахсий таркиб орасида хизмат интизомини мустаҳкамлашда божхона постлари бошлиқларининг ўрни ва долзарб вазифалари» мавзусида ўтказилган семинар йиғилишида ҳамда Солиқ ва божхона органлари Академиясида 2002 йил 16 – 17 октябрда ўтказилган «Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ механизми» мавзусидаги халқаро илмий – амалий конференцияларида маъruzalар билан қатнашилган. Диссертациянинг мавзуига бевосита таалуқли бўлган масалалар муаллифнинг қўйидаги асарларида баён қилинган: «Ўзбекистонда божхона ишини ташкил этиш ва такомиллаштириш ғоялари» (монография – Т.: «Ўзбекистон» 1996 й. 175 саҳифа, 500 нусхада чоп этилган), «Организация таможенной службы в Республике Узбекистан» (– Т.: «Ташкент», 1996 г. 394 с), «Основы таможенного дела» (– Т.: «Мир экономики и права, 1998.– 400 с.), «Очиқ иқтисодиёт йўлидан» (– Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1998, 80 саҳифа), «Божхона иши асослари» (– Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999, 384 саҳифа), «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида божхона сиёсати, тараққиёт омиллари» (– Т.: «ДИТАФ», 1998. 268 саҳифа), «Иқтисодиётни эркинлаштириш шаронтида божхона тизимини такомиллаштириш йўллари» (– Т.: «ДИТАФ», 2002. 304 саҳифа), «Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигини такомиллаштириш», «Иқтисодиёт назариясини ўрганишда миллӣ мустақиллик ғояларини тингловчилар онгига сингдириш», «Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ механизми», халқаро конференция материаллари, «ДИТАФ», 2002. 382 саҳифа, «Божхона қонунчилиги солиқ тушумларини таъминловчи воситадир», «Божхона органларининг мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни» ва «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш йўллари» (И.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарига бағишлиган

илемий – амалий конференция материаллари. – Т., 1995 йил. 4–9 – бетлар). Рус тилида «Организация таможенной службы в Республике Узбекистан» (в соавторстве) монография нашр этилган (–Т., 1996. 18,7 п.л., 394 страници). «Божхона хизматини модернизациялаш ва унинг асосий йўналишлари». Асосий маъруза. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: божхона сиёсати, тараққиёт омиллари». Республика илемий – амалий анжумани материаллари. (–Т., Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи. 1998, 8–17 – бетлар). Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигини такомиллаштириш. «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида божхона тизимини такомиллаштириш йўллари» мавзусига бағишланган Республика илемий – амалий конференцияси материаллари. 2002 йил. 21–22 май. –Т., 2002. 146–148 бетлар). «Божхона хизмати ходимларининг маънавий баркамоллигини таъминлаш муаммолари». Ўша конференцияда; ҳаммуаллифликда. Ўша тўплам. 85–87 – бетлар). «Иқтисодиёт назариясини ўрганишда миллий мустақиллик ғояларини тингловчилар онгига сингдириши». Ўша конференцияда; ҳаммуаллифликда. Ўша тўплам. 236–239 бетлар). Божхона қонунчилиги солик тушунчаларини таъминловчи воситадир. «Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солик механизми». Халқаро илемий – амалий конференция материаллари. (–Т., 2002 йил. 276–278 бетлар).

Диссертация кириш, уч боб, 9 параграф, хотима ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Тадқиқотнинг кириш қисмида ўрганилаётган муаммони долзарблиги, уни ўрганилганлик даражаси асослаб берилган; тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, предмети ва объекти, унинг услубий асослари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотнинг «Ўзбекистон Республикаси божхона сиёсатининг асосий тамойиллари ва вазифалари» номли биринчи бобида Республикаиз иқтисодиётини Жаҳон хўжалигига интеграллашувини ўзига хос хусусиятлари ва уни Президентимиз И. А. Каримов томонидан илемий асослаб берилган асосий тамойиллари ва интеграллашув жараёнида мамлакатимиз иқтисодий ҳафсизлигини таъминлашга қаратилган божхона сиёсатини шаклланиши, стратегик йўналишларини белгилаш масалалари кўриб чиқилган.

«Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали товарларни олиб ўтишининг тартиб – қоидлари» номли иккинчи бобида товарларни олиб ўтишда божхона ҳудуди ва божхона чегаралари тушунчалари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми, товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда улар жойлаштирилиши мумкин бўлган божхона режимларини иқтисодий можияти кенг кўламда таҳдил қилинган. Божхона қонунчилигига мувофиқ,

товарларни божхона чегараси ва ҳудуди орқали олиб ўтишнинг усулари ва шартлари каби масалалар кўриб чиқилган.

Учинчи – «Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан божхона қоидаларининг бузилиши ва ҳуқуқий жавобгарлиги» номли бобда товарларни божхона чегараси ва ҳудуди орқали олиб ўтишда содир этилиши мумкин бўлган божхона қонунбузарликларининг турлари, божхона иши соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун қонунчилиқда белгиланган маъмурӣ ва жиноий жавобгарлик шакллари илмий – амалий нуқтаи назардан ўрганилган.

Шунингдек, божхона қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилаётган ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш усулари ва тартиби ўрганилган.

Тадқиқот ишининг хотимасида тадқиқ этилаётган муаммо юзасидан энг муҳим назарий хуносалар ва тавсиялар умумлаштирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Дунёда бирон – бир мамлакат ўз қобигига ўралиб, бошқа давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик қиласдан, тараққиётга эришган эмас. Ота – боболаримиз қадимда буни яхши билишган. Шарқ ва Фарб мамлакатларини бир – бирига боғлаган Буюк Ипак йўли ҳам доимий тижорат ва маданий алоқаларга интилиш туфайли юзага келган.

Ҳар қандай давлатнинг тараққиёт даражаси, муваффакияти, энг аввало, унинг ҳалқаро алоқаларида яққол кўзга ташланади. Ҳозирги даврда Ўзбекистон жаҳондаги 140 дан ортиқ давлатлар билан расмий дипломатия муносабатларини ўрнатган ҳамда улар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манбаатли алоқаларни йўлга қўйган. Ўзбекистон бир қатор нуфузли ҳалқаро ташкилотларининг тўлақонли аъзоси бўлди.

Дунё миқёсида Ўзбекистоннинг мавқеи мустаҳкамдана бориши билан ташқи иқтисодий фаолият тамойилларига аниқлик киритилди. Бугунги кунда «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» ги Қонунга мувофиқ, ушбу асосий тамойиллар қуидагилардан иборат:

- барча давлатлар, чет эл юридик ва жисмоний шахслари, ҳалқаро ташкилотлар билан ўзаро манбаатли ҳамкорлик қилиш;
- томонларнинг тенглиги;
- ташқи иқтисодий алоқалар бўйича шерикларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- хорижий давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар билан битимлар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни ҳалол ва аниқ бажариш;

— ҳамма томонидан эътироф этилган бошқа халқаро нормалар, қоидалар ва шартларга оғишмай риоя этиш;

— давлат томонидан ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

Мустақил ташқи иқтисодий сиёсат, қабул қилинган қонунлар ва энг муҳим тамойиллар негизида шакланди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, божхона чегараси орқали товарлар, хизматлар, валюта бойликларини доимий равишда олиб ўтиш одат тусига кирди ҳамда иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омилига айланди. Кўплаб мамлакатларда айнан шулар миллий иқтисодиётнинг аҳволини белгилайди ва бу майл истиқболда кучяди. Бинобарин, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг энг муҳим, асосий йўналиши бўлган божхона сиёсатини яратиш Ўзбекистон Республикасининг шакланган ва тобора мураккаблашиб бораёттан ички ва халқаро бозор тамойиллари асосида дунё ҳўжалиги билан халқаро савдо алоқаларига кириб боришини таъминловчи самарали божхона сиёсатини шаклантиришни тақозо этди ва этмоқда.

Ташқи иқтисодий муносабатлар қатнашчилари фаолиятининг кўлами ва характеристи божхона тизимидан ташқи савдода рўй берадётган, олдиндан башорат қилиниши қийин бўлган ва мураккаблашиб бораёттан вазиятларга мослашишни талаб этмоқда.

Шу сабабли диссертацияда таъкидланишича, божхона ишига оид меъёрий—ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда ташқи савдони тартибга солишга ва мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат чора—тадбирлар тизими—божхона сиёсатини белгилаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Божхона сиёсати—миллий иқтисодиёт манфаатларидан келиб чиқиб, товарларнинг божхона чегараси орқали ҳаракатини давлат томонидан тартибга солувчи чора—тадбирлар, қоидалар тизимиdir.

Божхона сиёсати—бир томондан, мамлакат иқтисодиётини шакланган жаҳон иқтисодий алоқалар тизимига кириб боришини, иккинчи томондан эса, ички иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминловчи иқтисодий ва маъмурий чора—тадбирлар тизимиdir.

Гарчи божхона ҳуқуқи тушунчасини ҳуқуқшуносларимиз нисбатан пухта ишлаган, аниқлаган бўлсалар ҳам улар божхона сиёсати тушунчасининг аниқ таърифини олға сурмаганлар. Бу соҳада ҳанузгача ноаниқлик, хилма—хиллик, бир—бирига зид фикрлар, субъективизм мавжуд.

Бу масала юзасидан «Божхона сиёсатини лойиҳалаш»¹ деган китобларида узундан – узоқ фикр – мулоҳаза юритган рус олимлари Н.М. Блинов, В.Н. Иванов ва бошқалар ҳам бу тушунчага аниқ, кенг қамровли, кўпчилик тан олган таърифни бермаганлар, уни четлаб ўтганлар.

Ҳатто Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг 1 – бўлим, 1 – моддаси «Божхона сиёсати» деб аталган. (Аслада бозор иқтисодиётининг И.Каримов ишлаб чиқсан беш тамоилига, бинобарин, кейинчалик бутун дунё тан олган «ўзбек модели» га биноан оддин божхона иқтисодига, сўнгра унинг сиёсатига тегишли моддалар киритиш керак эди. Чунки, божхона тизимида оддин иқтисодий масалалар, сўнг сиёсий масалалар туриши керак). Ушбу бўлимнинг 1 – моддасида бу сиёсатнинг таърифи эмас, мақсадлари қайд этилган. Бу иккиси бир хил эмаслиги ҳатто мактаб ўқувчисига ҳам маълум.

Биз бу тушунчага қўйидаги таърифни тавсия қилиб, мутахассислар ҳукмига ҳавола этамиз:

Божхона сиёсати деб, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудларида иқтисоднинг сиёсатдан устулиги тамоилига тўла риоя қилган ҳолда, самарали сиёсий назоратни ҳамда товар айирбошлашни ички ва ташқи сиёсат жиҳатидан тартибга солинган божхона иқтисодини ривожлантиришни сиёсий жиҳатдан рағбатлантиришни, ички бозорни эркинлаштириб, сиёсий тазиيқлардан сақлашга айтилади.

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичи: миллӣ иқтисодиётни минтақа ва жаҳон хўжалиги мажмуаларига интеграллашувини жадаллашиши, товарлар ва хизматлар айирбошлаш, молиявий маблағларни айланишига кенг имкониятлар яратувчи эркин савдо ҳудудларини ташкил этиш ва ҳалқаро шартномаларнинг аҳамиятини оширишга интилиш каби хусусиятларга эга. Бу босқичда моддий бойликлар ва молиявий маблағларнинг айланувини қатъий белгиланган тартибга солувчи, ягона қоидаларга эга бўлган Жаҳон бозори шакллана бошлади. Барча мамлакатларнинг миллӣ иқтисодиёти маълум даражада очиқ бўлиб бормоқда ҳамда улар жаҳон меҳнат тақсимотига ва ҳалқаро рақобатга қўшилмоқда.

Кейинги йилларда дунё бўйича савдо ҳажми, жаҳондаги ишлаб чиқаришга нисбатан кенгаймоқда; савдода хизмат кўрсатиш анча кўпайди; интеллектуал мулк обьектлари савдоси сезиларни жадаллашди; мамлакатлар ўртасида пул маблағлари ва кредитлар оқими кучайиб борди. Жамиятни ахборотлаштириш, глобал ахборот тармоқларини яратиш – дунё иқтисодий оқими ҳолатини

¹ Н. Блинов, В. Иванов и др. Проектирование таможенной политики. - М., 2000 стр-30.

тубдан ўзгартириш, Жаҳон ҳўжалиги миқёсида – товарлар ҳаракатини тўлиқ кузатиш имконини беради.

Диссертацияда Ўзбекистон олдида турган ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий муаммоларнинг чуқурлиги – мамлакатнинг ўзида аниқ иқтисодий, сиёсий ва маданий шарт – шароитларни ҳамда дунё тажрибасининг барча ижобий жиҳатларини мужассамлаштирган ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш йўлини танлашни олдиндан белгилаб берилганлиги таъкидлаб ўтилган.

Бу эса, ўз навбатида, божхона сиёсати алоҳида ўринни эгаллаган ташқи иқтисодий стратегия ишлаб чиқишини тақозо ҳтарди. Давлатнинг иқтисодий тараққиёти даражаси – божхона сиёсати ва унинг қонунчиллик асослари қайси йўналишда ишлаб чиқилаётган-лигидан келиб чиқиб, белгиланади. Амалдаги қонун ҳужжатларида божхона органлари зиммасига мажбурият сифатида юқланган – мамлакат товар ишлаб чиқарувчиларининг миллый манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси катта аҳамиятга эга.

«Мустақиллик йўлидан олға борар эканмиз, – деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида, – барқарорликни сақлаш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашниң ҳал қилувчи шартлари жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётини, ижтимоий соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнларини жадал амалга оширишдан иборат эканлиги аён бўлиб бормоқда».

Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун: миллый иқтисодиётни барқарорлаштириш, мулкчиликнинг ҳар қандай шаклларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тегишли шарт – шароит яратиш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда иқтисодий хавфсизликни қўйидаги салбий жараёнлар барбод этиши мумкин: ишлаб чиқариш инқирозининг кучайиб бориши, бозорларнинг қўлдан бой берилиши, илмий – техникавий салоҳиятнинг емирилиши, иқтисодиётнинг носаноатлантирилиши, мамлакатнинг импортга нисбатан озиқ – овқат қарамлигининг кучайиши, ишсизликнинг ортиши, иқтисодий жиноятчиликнинг авж олиши ва ҳоказолар.

Ҳар томонлама ривожланиб бораётган ҳалқаро наркобизнес ва тармоқланган ҳалқаро иқтисодий жиноятчиларнинг уюшган гуруҳларига давлатнинг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи структуralари таркибида божхона органлари ҳам сезиларли даражада тўсиқ бўлади. Уларнинг бевосита мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолияти қўйидаги йўналишлар бўйича ривожланади:

– мамлакат учун ўта муҳим бўлган стратегик ва бошқа товарларнинг божхона ҳудудидан олиб чиқилиши устидан божхона тартибини ва назоратини ўрнатиш;

- Республика бюджетини божхона тўловлари, солиқлари ва йигимлари ҳисобидан тўлдириш;
- валюта назоратини амалга ошириш;
- ташки савдо статистикаси ва маҳсус статистикани олиб бориш;
- контрабанда ва божхона қоидабузарликларига қарши курашиш.

Божхона органлари ТИФ да божхона тартибини ўрнатадилар, бироқ ҳозирги кунда божхона божлари ва солиқ тўловларининг мавжуд тизими – айрим товар ставкаси миқдори нуқтаи назаридан ҳам, уларни қўллаш усули жиҳатидан ҳам етарлича самара бермаётганлиги диссертацияда таъкидлаб ўтиди.

Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида» ги Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинди ва 1998 йил 1 январдан амалга киритилди. Мазкур Қонун божхона иши соҳасидаги тарихий воқеага айланди; у 35 моддадан иборат бўлиб, ташки иқтисодий фаолиятнинг тариф бошқарувини тартибга солади.

«Бож тарифи тўғрисида» ги Қонун бож тарифини шакллантириш ва қўлланиш тартибини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарлардан бож ундириш қоидаларини белгилайди.

Мазкур Қонуннинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон иқтисодиёти билан самарали интеграциялашуви учун шарт-шароит яратиш ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатdir. Бу Қонунда бож тарифи, божхона божи (бож), бож ставкаларининг турлари, божхона қиймати ва божхона баҳоси, божхона баҳосини чиқариш усуллари, божхона преференциялари ва товар ишлаб чиқарилган мамлакат каби тушунчаларининг мазмуни таърифлаб берилган. Ушбу Қонунга биноан бож тарифи – божхона чегарасидан олиб ўтиладиган, Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолиятининг Товар номенклатураси тамойиллари ва қоидаларига мувофиқ ҳолда бир тизимга солинган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож ставкаларининг йигиндисидир.

Бож тарифи тўғрисидаги Қонунни таҳлил қилиш жараёнида шуни таъкидаш жоизки, Бу Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг нафақат Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига, балки Республиканинг Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти (БСТ) га аъзо бўлишига имкон яратувчи омил бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 1997 йил 26 декабрда қабул қилиниб, 1998 йил 1 марта амалга киритилди. Бу – давлатимизнинг божхона ишига оид қонунчиликни барқарорлаштириш ва тартибга солиш йўлида қўйилган учинчи қадам бўлди.

Диссертацияда Божхона Кодекси, «Бож тарифи» ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида» ги Қонунларнинг қабул қилиниши

туфайли Ўзбекистон Республикасининг божхона қонунчилиги бир бутун, яхлит, узвий боғланган тизимга айланганилиги, божхона операциялари давомида қонунийлик ва фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминловчи маъмурӣ – процессуал меъёрларнинг аҳамияти ортганлиги, кодексда божхона ишини ташкил қилишга оид энг замонавий ҳуқуқий қонун – қоидалар ва меъёрлар мавжуд бўлиб, уларсиз самараали божхона қонунчилигини шакллантириш ва энг муҳими уни татбиқ қилиш мумкин эмаслиги кўрсатиб берилган.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг Жаҳон амалиётига мос келувчи, янги қонун – қоидалари (тамойиллари): тарифли бошқарув, лицензиялаш, квоталаш ва бошқалар юк айлануvida бўлган товарлар устидан божхона назоратини ташкил қилишни тубдан ўзгартиришни талаб қиёди. Агар илгари товарларни ўғказиш тартиботи (режим) ва тартиби (процедура) ташқи савдо битимининг субъекти ким эканлигидан келиб чиқиб белгиланса, ҳозир бундай битимнинг бош, асосий мезони объект, яъни аниқ товардир. Қонунларга оғишмай риоя қиласдан туриб, божхона хизмати фаолиятининг самарадорлигини ошириб бўлмайди. Шу сабабли божхона органларида юридик хизматни ташкил қилиш ва ривожлантириш энг долзарб муаммолардандир. Мазкур хизматнинг ваколатларига: божхона ишининг ҳуқуқий меъерий негизини юритиш, божхоначиларга қонун ва меъерий ҳужжатларни тушунтириш; фуқаролар ва ташкилотларга керакли маълумотлар ва юридик маслаҳатлар бериш; маъмурӣ ва жиноий жавобгарлик чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлмаган шикоятлар ва мурожаатларни кўриб чиқиш; ҳуқуқий – меъерий ҳужжатларни ва тегишли хуласаларни текшириб чиқиб, имзолаш киради.

Божхона сиёсатини амалга ошириш самарадорлиги, божхона органларини ташкил қилишда уларнинг олдига қўйилган мақсадларга эришиш, божхона қонунчилигига риоя қилиш кўп жиҳатдан божхона, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқа бошқарув идораларининг аниқ мувофиқлаштирилган, амалий тезкор, ўзаро ҳаракатлари ва ҳамкорлигига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бошқа давлат идоралари билан ҳамкорликда доимий равишда божхона қонунчилигини қўллаш амалиётини таҳлил қиласди ва умумлаштиради, Республикадаги иқтисодий вазият талабларига асосланган, амалдаги ҳуқуқий – меъерий ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан тегишли таклифларни тайёрлайди.

Давлат божхона қўмитаси иштирокида вужудга келган маъмурӣ – ҳуқуқий муносабатларни кўриб чиқиб, улардан ДБК назорати остида бўлган ҳамда давлат бошқарувининг тенг ҳуқуқли, мустақил субъекти бўлган муносабатларни ажратиб кўрсатиши мумкин.

Биринчи ҳолда булар – Давлат божхона қўмитаси билан ижроия ҳокимияти бошлиғи – Ўзбекистон Республикаси Президенти, шунингдек ҳокимиятнинг олий вакиллик органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда ижроня ҳокимият органи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида вужудга келган муносабатлардир. ДБҚ нинг давлат раҳбари ва ижроня ҳокимияти билан ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89 – моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади. У ўз зиммасига юклangan ваколатларга мувофиқ; ижро этувчи ҳокимият таркибини тузади ва унга раҳбарлик қилади. Республика Олий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳамжиҳат ишлашини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси вазирларини, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тутатади, шу масалаларга доир Фармонларни, Олий Мажлис тасдиғига киритади². Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияга биноан: Баш Вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлади ва уларни лавозимдан озод қилади³, Республика бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тұхтатади ва бекор қилади⁴, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини қабул қилади ҳамда бекор қилади⁵.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари асосида уларни ижро этиш мақсадида эълон қилинадиган Президент Фармонларыда кўпинча директивалар ҳам, аниқ вазифалар ҳам мавжуд. Бу ҳолда Ҳукумат ва Давлат божхона қўмитаси фаолиятининг уйғулиги, мувофиқлиги таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Давлат божхона қўмитаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақида сўз юритилганда, шуни таъкидлаш жоизки, биринчидан Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан унинг ваколатларига таалуқли ҳар қандай масалани кўриб чиқиш ҳукуқига эга. Жумладан, солиқлар, божлар ва мажбурий тўловларни жорий қилиш⁶.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 – боби 78 – моддасига биноан ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида» ги конституциявий Қонуннинг 19 – боби 4 – моддасига биноан, Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: 93 – модда, 8 – боб.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: 93 – модда, 14 – боб.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: 93 – модда, 13 – боб.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: 93 – модда, 14 – боб.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: 78 – модда, 8 – боб.

Президентининг давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тутатиш ҳақидаги Фармонларини тасдиқлайди. Бундан ташқари, Олий Мажлиснинг мутлақ ваколатига Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ва ваколатларини белгилаш киради⁷.

Давлат божхона қўмитаси кундалик фаолияти мобайнида давлат бошқаруви ҳамда давлат назорати функцияларини бажара бориб, кўпинча бошқа давлат бошқарув идоралари билан ҳам ўзаро муносабатда бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида бож – тариф ва нотариф бошқаруви (тартиботи) – ички ва ташқи сиёsatнинг энг муҳим таркибий қисмлари (элементлари) дан биридир. Ушбу ҳолни амалий жиҳатдан барча ҳокимият ва бошқарув идоралари турли даражада ҳисобга олишга мажбурдирлар. Мазкур ҳолат давлат божхона қўмитаси томонидан бошқа идоралар билан турли – туман муносабатлар ўрнатилишининг ҳаётий заруратини келтириб чиқаради.

Давлат божхона қўмитаси билан Молия вазирлиги ўртасидаги амалий ҳамкорликни намуна сифатида кўrsатиш мумкин. Авваламбор, мазкур органлар олдида турган мақсад ва вазифаларнинг умумийлигини таъкидлаш зарур. Жумладан, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси молия тизими таркибига киравучи идораларни бошқариш жараёнида давлатнинг бюджет сиёsatини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ва молия органлари божхона тўловларининг ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри ундирилишини назорат қиласидилар. Республика божхона идоралари ва банклари ўртасида мустаҳкам ва самимий ҳамкорлик ўрнатилган. Чунончи, улар биргаликда валюта операцияларининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини, лицензиялари (руҳсатномалари) нинг мавжудлигини, резидентлар томонидан бюджетта божхона тўловларини ўtkазиш бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилишини, хорижий валютадаги тўловларнинг асослантирилганлигини, валюта операциялари бўйича ҳисоб – китобларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини текшириш ҳамда назорат қилиш ишларини амалга оширадилар.

Божхона қонунчилигига риоя қилишни таъминлаш мақсадида, банклар ва бошқа молия – кредит ташкилотлари:

- хўжалик субъектларининг бюджетта божхона тўловларини ўtkазиш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш ҳақидаги божхона органларининг хulosасига кўра ушбу субъектларнинг ҳисоб – китоб ва бошқа рақамларни ёпиб қўйишлари мумкин;

- божхона органларининг, хўжалик субъектларидан белгиланган муддатларда тўланмаган божхона тўловлари ва

⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: 78 – модда, 4 – боб.

жарималарини сўзсиз ундириш ҳақидаги фармойишлари – (инкассация) ни бажарадилар;

– хўжалик субъектларидан сўмдаги пул маблағлари етишмаган тақдирда ҳамда уларнинг балқдаги ҳисоб рақамларида валюта мавжуд бўлса – божхона органларининг тақдимномасига кўра бюджетга кирим қилинадиган қарзларни тўлаш учун зарур бўлган миқдордаги валюта маблағини валюта биржасидан сотув кунидаги курс бўйича сўмга алмаштирилади.

Хўжалик субъектларининг айби билан божхона тўловларини ва жарималарни ундириш кечиктирилса, шунингдек, банк ёки молия – кредит ташкилотларининг айби билан хўжалик субъектлари ёки божхона органларининг божхона тўловларини ўтказиш ёки қайтарилиши бўйича топшириклари бажарилмаса ёки кечиктирилса, хўжалик субъектларидан, банкдан ёки молия – кредит ташкилотларидан белгиланган тартибда жарима (пеня) ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг бош вазифаси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида кўп ҳолларда Республикадаги бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими билан муайян ўзаро ҳамкорлик қилиш зарурати туғилади. Ўзбекистон Республикаси Миллӣ хавфсизлик хизмати (МХХ), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (ИИВ), Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлими – лари билан амалий ҳамкорлик қилиш – уларнинг умумий вазифаси бўлган мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдан келиб чиқади. Юқорида баён қилинган ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ўз ваколатлари доирасида иқтисодий жиноятлар ҳақида тегишли воситалар ва усувлар ёрдамида керакли маълумотлар тўплайди, уларни таҳлил қиласи ва аниқлашган ҳуқуқбузарликларга ўз муносабатини билдиради.

Республиканинг иқтисодий манфаатлари ва мулкий ҳуқуқ – ларини ҳимоя қилишга, тадбиркорликни ҳимоя қилишга, ягона божхона сиёсатини ўтказишга қаратилган чора – тадбирларни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, МХХ, ИИВ божхона қонунчилиги соҳасидаги жиноятларни кечиктиrmай, зудлик билан тергов қилинишини ташкил этадилар.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси божхона идораларидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориладиган материалларни кўриб чиқилиши устидан амалий назоратни таъминлаши ҳамда ушбу материаллар бўйича қўзғатилган жиноий ишларининг судлар томонидан кўриб чиқилиши чоғида прокуратуранинг албатта иштирок этишини таъминланган ҳолда, тергов ишларининг юритилиши, тўлиқлиги, сифати ва муддатла – рини қаттиқ назорат қилиб бориши лозим.

Божхона, қонунбузарликлариға қарши курашда юқорида айтиб ўтилган ҳуқуқни мұхофаза қилиш органларининг күчларини бирлаштириш; барча воситалар, ҳаракатлар, тажрибали мутахассисларни бир ерга жамлаш, қидирув ишлари билан күпроқ объектларни қамраб олиш, ҳар бир органдан тұлықроқ ва яхшироқ фойдаланиш каби кенг имкониятлар яратади.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди ва божхона чегаралари орқали товарларни олиб ўтишда божхона ҳудуди ва божхона чегаралари тушунчаларини аниқ белгилаш лозимлиги күрсатиб ўтилган.

Божхона ҳудуди деганды давлат ҳудуди тушунилади, яғни ушбу ҳудуд Ер шарининг бир қисми бўлиб, давлатта тегишлидир; давлат шу ҳудуд доирасида ўзининг ҳудудий устунлиги (раҳбарлиги) ни амалга оширади. Давлат божхона ҳудудида божхона иши нисбатан алоҳида (фавқулодда) юрисдикцияяга эга; бунинг маъноси шуки, божхона ҳудуди ҳуқуқий тартиботи (режими) нинг асосини ҳам, давлат ҳудудининг ҳуқуқий асоси каби давлат суверенитети ташкил қиласи.

Божхона ҳудудида тұлық ҳажмда: (тұлалигича) ягона божхона қонунчилиги, ягона бож тарифлари ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқаришнинг бошқа воситалари амал қиласи.

Бироқ, божхона ҳудуди тушунчаси давлат ҳудуди тушунчаси билан бир хил маънони англатмайди. Бир қатор ҳолларда божхона ҳудудидан давлат ҳудуди майдонлари ажратилиши ва аксинча, давлат чегарасидан ташқарида жойлашган майдонлар қўшилиши мумкин. Бундай майдонлар таркибий жиҳатдан давлат ҳудудига кирмагани ёки, айрим ҳолларда, давлат ҳудудида бўлиб ҳисобланган ҳолда, унда амалда бўлган тартиблар маъносидан келиб чиққани ҳолда давлат божхона ҳудудидан ташқарида ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин божхона зоналари ва эркин омборлар бўлиши мумкин, уларнинг ҳудудлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади.

Эркин божхона зonasи шундай режимки, бунда чет эл товарлари муайян ҳудудлар ва жойларда бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан жойлаштирилади ва ишлатилади. Эркин божхона омбори деганды, чет эл товарлари тариф ва нотариф бошқаруви чоралари қўлланилмасдан сақланадиган ёпиқ бино ёки очиқ майдонча тушунилади. Ўзбекистон товарлари эса, экспорт режимига мувофиқ олиб чиқища қўлланиладиган шартларга кўра жойлаштирилади ва ишлатилади.

Умумий қоидага биноан, эркин божхона зonasи ва эркин омбор ҳудудлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган деб ҳисобланади. Божхона ҳуқуқи нуқтаи назаридан

улар ‘божхона’ чегарасидан ташқаридаидилар. Божхона ҳудудининг аниқланишига божхона иттифоқларининг тузилиши жиiddий таъсир кўрсатиши мумкин. Божхона иттифоқи – икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасида: божхона чегараларини тутатиш ҳамда умумий божхона чегаралари; бу ерда товарларининг эркин айлануви, бошқа мамлакатларга нисбатан тариф ва потариф бошқарувининг ягона чораларига эга бўлган умумий божхона ҳудудини ташкил этиш тўғрисида тузилган битимдир.

Тариф ва савдо бўйича Бош битим (ГАТТ) да ягона божхона ҳудудини яратиш божхона иттифоқига қўйиладиган ягона энг муҳим ҳалқаро ҳуқуқий талаблардан бири сифатида қатъий белгилаб, мустаҳкамлаб қўйилган. Шу сабабли божхона иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг божхона ҳудудлари ўз мустаҳкамлигини йўқотади; бундай уюшма ягона иттифоқ божхона ҳудудини вужудга келтиради.

Давлатнинг божхона ҳудуди сарҳадлари божхона чегараси билан белгиланади: божхона чегараси Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди чегарасидир.

Божхона чегараси амалий жиҳатдан давлат чегараси билан мос келиши ҳам, мос келмаслиги ҳам мумкин. Бироқ барча ҳолатларда ҳам божхона чегараси тушунчаси давлат чегараси тушунчаси билан бир хил маънони англатмайди.

Давлат чегараси – ушбу чегара сарҳадларини белгиловчи жойдаги ҳақиқий (реал) чизиқ бўлиб, мазкур чизиқ бўйича ўтувчи вертикал юзадир.

Божхона чегараси деганда божхона ҳудудини чегараловчи, тасаввур этиладиган (шартли) чизиқ тушунилади. Божхона ҳудуди сарҳадлари, шунингдек, эркин божхона зоналари ва эркин омборларнинг тегралари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси ҳисобланади.

Ташқи ва ички чегаралар мавжуд. Ташқи божхона чегаралари қўшни давлатларнинг божхона ҳудудларини ажратади. У эркин божхона зоналари ва эркин омборларнинг теграларидан ташқари, давлат чегарасига мос келади. Ташқи божхона чегарасида давлат чегараси ҳақидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган маъмурий божхона тартиботи (режими) амал қиласди.

Ички божхона чегаралари эркин божхона зоналари ва эркин омборларнинг теграларини ҳосил қиласди; улар мамлакат божхона ҳудуди ичкарисидан ўтади.

Ички божхона чегаралари ўзининг маъмурий – ҳуқуқий мақомига кўра, ташқи божхона чегараларига тенглаштирилган: эркин божхона зонаси, эркин омборларнинг ҳудудлари чегарадан ташқарида жойлашган деб ҳисобланаб, ушбу ҳудудларга фақат маҳсус назорат қилиш – ўтказиш (КПП) жойлари орқали рухсатнома билан кириш мумкин. Аммо.. ички божхона

чегараларини чегара қўшинлари эмас, балки божхона органлари, эркин божхона зонаси маъмурияти билан биргаликда қўриқлади.

Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг 8—моддасида энг асосий тамойил (принцип) қайд этилган бўлиб, унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Божхона Кодексида назарда тутилган тартибда барча шахслар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб жорий қилинмаган бўлса, товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишда (шу билан бирга, ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишда) тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш уларнинг божхона режимлари (тартиботлари) га мувофиқ амалга оширилади. Божхона режими – божхона мақсадларида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг мақомини белгиловчи қонун – қоидалар мажмуудир. Улар товарларни расмийлаштириш, божхона тўловларини ундириш ва бошқаларга оиддир.

Диссертацияда таъкидланишича, юридик нуқтаи назардан келтирилган меъёрий таърифга айрим аниқликлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, жумладан, унда божхона режими мазмунини ташкил қилувчи икки энг муҳим тартиб – қоида назарда тутилмаган. Биринчиси, мамлакат божхона органлари томонидан қўлланиладиган қонун – қоидалар мажмуи – жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш мақсадини танлашга боғлиқдир. Иккинчиси, аниқ божхона режимлари, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, транзит йўли билан олиб ўтиладиган ёки унинг ташқарисига олиб чиқиладиган, жисмоний ва юридик шахсларга қарашли товарлар ва транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш бўйича мазкур шахсларнинг ҳуқуқларини белгилаб беради. Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий мулкчилик ҳамда маънавий ва моддий бойликларга эгалик қилиш ҳуқуқи масалалари, аниқ ҳуқуқий институтлар томонидан меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилишида ҳисобга олиниши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси товарлар ва транспорт воситалари божхона режимлари турларининг қўйидаги узумий рўйхатини ўз ичига олган:

1. Эркин муомалага чиқариш (импорт).
2. Реимпорт.
3. Экспорт.
4. Реэкспорт.
5. Транзит.
6. Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш).
7. Вақтинча сақлаш.
8. Божхона омбори.
9. Эркин божхона зонаси.
10. Эркин омбор.
11. Бож олинмайдиган савдо дўкони.
12. Божхона ҳудудида қайта ишлаш.
13. Божхона назорати остида қайта ишлаш.
14. Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш.
15. Йўқ қилиш.
16. Давлат фойдасига воз кечиш.

Божхона режимларини икки асосий гурухга бўлиш мумкин: биринчи гурухга шундай режимлар кирадики, уларга қўйилган товарлар юқ олиб ўтувчининг тасарруфига тўлиқ ўтади, яъни ушбу гурух божхона режимлари тутал хусусиятга эга бўлади. Булар эркин муомалага чиқариш (импорт), экспорт, реимпорт, реэкспортдир.

Иккинчи гурухга оид божхона режимларида божхона органдари томонидан белгиланган шартларга қатъий риоя қилган ҳолда, товарлардан фақат қатъий, муайян мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилади. Мазкур гурухга божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони, транзит, вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш), эркин божхона зonasи, эркин омбор, давлат фойдасига воз кечиш, йўқ қилиш, қайта ишлаш киради.

Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиш уларнинг божхона режимларига мувофиқ амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда божхона ҳудудида товарларни қонуний расмийлаштиришда 16 турдаги божхона режимидан фойдаланилади. Лекин, чет мамлакатларда жойлашган Ўзбекистон ваколатхоналарига ва чет давлатлардаги Ўзбекистонга тегишли бўлган савдо дўконларига юбориладиган товарлар вақтинча олиб чиқиш режимида расмийлаштирилиши бир қатор иқтисодий ҳуқуқбузарликларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бундай жиноятларнинг олдини олиш учун Ўзбекистоннинг чет эллардаги ваколатхоналари ва савдо дўконларига юбориладиган товарлар учун алоҳида божхона режими ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш орқали бир қатор иқтисодий жиноятларга барҳам берни мумкин.

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона назоратидан яширинча, божхона чегарасининг божхона органлари томонидан белгиланмаган жойдан, божхона расмийлаштируванин амалга оширишнинг божхона органлари тайинлаган вақтидан ташқари ўзбoshимчалик билан божхона чегарасидан олиб ўтиш ва ҳоказо ғайриқонуний хатти – ҳаракатларнинг мураккаб белгилариданdir.

Диссертацияда божхона органларининг мамлакат суверенитети ва давлат хавфсизлигининг иқтисодий асоси дахлсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон ҳалқи манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда божлар, йигимлар ва солиқларнинг баъзи турларини ундириш йўли билан Республика бюджетини бойитиш каби вазифаларни бажариши қонун даражасида белгилаб қўйилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзига юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида божхона орғанлари божхона қонунчилигининг аниқ бажарилиши ва унинг бузилишига қаратилган ҳар бир ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўради.

Божхона иши соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун қонунчиликда маъмурӣ ва жиноий жавобгарликлар назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси қабул қилингунига қадар, божхона органлари божхона ҳуқуқбузарликлари учун маъмурӣ жавобгарликка тортиш ҳақидаги масалаларни ҳал қилишда, асосан маъмурӣ қонунчилик меъёrlарининг умумий қоидаларига амал қиласар эдилар (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурӣ жавобгарлик түғрисидаги Кодекси).

Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг қабул қилиниши, маъмурӣ ҳуқуқнинг асосий, муҳим қоидалари ва тамойилларидан келиб чиқиб, божхона тартиблари (процедуралари)нинг асосий қоидаларини белгилади, жавобгарлик субъектлари ҳақидаги масалаларни тартибга солиш (юридик шахс жавобгарлиги; бир ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликнинг икки субъектлишиги) ни ҳамда бир неча божхона қоидабузарликлари содир этилганда жазо бериш тартибини ва кўплаб бошқа қоидаларни жиҳдий ўзгартириди.

Диссертацияда таъкидланишича, бажарилишининг назорати Ўзбекистон Республикаси божхона органларига юклатилган Ўзбекистон Республикасининг божхона иши ва халқаро шартномалари бўйича қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси, «Бож тарифи түғрисида» ти Қонуни ва бошқа ҳужжатларда белгиланган Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларини божхона назоратидан ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш, божхона тўловларини ҳисоблаш ва уларни ундириш, божхона имтиёзларини бериш ва улардан фойдаланиш ҳамда божхона режимларини қўллаган ҳолда ушбу товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш тартибларига тажовуз қилувчи шахснинг файриқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги божхона қоидаларининг бузилиши, — деб тан олинади. Бундай қоида бузарликлар учун Божхона Кодексида жавобгарлик назарда тутилган.

Мазкур таъриф – божхона ишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларини, шунингдек, файриқонуний (файриҳуқуқий) тажовуз объектларини санаб ўтади.

Ушбу мураккаб тушунчадан келиб чиқиб, қуйидагилар божхона қоидаларининг бузилиши деб тан олинади:

1) Ўзбекистон Республикасининг Божхона Кодекси, «Бож тарифи түғрисида» ги Қонуни, бошқа қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларида белгиланган божхона назоратига тажовуз қилувчи шахснинг файриқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

2) Товарлар ва транспорт воситаларини божхона режимларини қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиш тартибига тажовуз қилувчи шахснинг ғайриқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

3) Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартибига тажовуз қилувчи шахснинг ғайриқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

4) Божхона тўловларини ҳисоблаш ва уларни ундириш; божхона имтиёзларини бериш ва улардан фойдаланиш тартибига тажовуз қилувчи шахснинг ғайриқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги.

Юқорида санаб ўтилган божхона ҳуқуқбузарликларининг алоҳида олинган ҳар бир гурӯҳи ёки уларнинг бошқа белгилар билан биргаликда мавжудлиги божхона қонунбузарликларининг тегишли таркибларини ташкил қиласди.

Башарти, ҳуқуқбузарликларининг хусусиятига кўра Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ, жиноий жавобгарлик келиб чиқмаса – божхона қоидаларини бузганлик (БҚБ) учун маъмурий жавобгарлик белгиланади.

Ҳуқуқбузарлик енгиг бўлмас куч таъсирида содир этилган ҳоллардан ташқари, корхона, мусассасалар ва ташкилотлар, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар, шунингдек, жисмоний ва мансабдор шахслар БҚБ учун жавоб берадилар.

Ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар БҚБ учун жавобгардиrlар.

Агар мансабдор шахсларининг хизмат вазифаларига – улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда, ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси божхона органлари зиммасига юклатилган Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси, божхона иши бўйича Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида ва ҳалқаро шартномаларида белгиланган талабларининг бажарилишини таъминлаш кирса, мазкур мансабдор шахслар БҚБ учун жавобгар бўлиши мумкин.

Божхона қоидалари бузилганлиги учун жавобгарликка тортилган шахс:

- қандай божхона қоидалари бузилганлиги учун жавобгарликка тортилаётганлигини билишга;

- божхона қоидабузарликлари ҳақида ишни кўриб чиқиш жараёнида, ушбу иш тутагач, материаллар билан танишишга, улардан кўчирмалар олишга;

- тушунтиришлар беришга;

- исбот – далиллар келтиришга;

- рад қилишга;

— илтимосномалар баён қилишіга;
— ишни күриб чиқында, уни юритиңда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексіда назарда тутилған ҳолларда адвокат хизматидан ёки бошқа шахснинг юридик ёрдамидан фойдаланишга;

— ўз она тилидан, кенг тарқалған бошқа тиңдан, шунингдек, таржимон хизматидан фойдаланишга;

— иш юзасидан чиқарылған қарор устидан шикоят қилишга;

— Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексіда назарда тутилған бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидір.

Мазкур диссертациянинг ҳар бир боби охирида қисқа хуласалар чиқариб, ёзилғанлығы сабабли ушбу Хотимада мұнисабаттарини янада такомиллаштириш, товар алмаштириш соңаларидаги муаммолар, жумладан қонунбұзарлуктарға мүмкін қадар барҳам бериш ва ҳоказолар учун амалий тавсиялар олға сүриш билан чекланилған.

2001 йил 29 августда Олий Маждиснинг IV сессиясида «Жисмоний жазоларни либерализациялаш мұнисабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, жиноят – процессуал кодекслари ва Маъмурий жавобгарлик ҳақидағы кодекстә құшымчалар киритиш хусусида» ги қонуннинг қабул қилиниши Жиноят кодексининг «божхона қонунчилигининг бузилиши» түғрисидеги 182 – моддасига тузатышлар киритилишіга ижобий сабаб бўлди.

Мазкур модданинг 1 – қисмида божхона чегараси орқали төварларни, бошқа бойликларни божхона назоратини четлаб ёки яшириб, ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки божхона идентификацияси воситаларини алмаштириб қўйиш йўллари билан фойдаланишлар учраб туриши қайд қилинган; бундай ҳолларда жиноий жазо энг кам иш ҳақи миқдорининг 300 баробаригача жазо жаримаси, 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарзида белгиланған.

Ушбу модда 2 – қисми бўйича кўзда тутилған жазо чоралари анча енгиллаштирилған. Тегишли параграфда буни исботлайдиган далиллар келтирилған.

Божхона қонунларининг адолатпарварлик ва инсонпарварлик фазилатлари шундаки, уларда божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фоалитети давлат назоратининг энг мұхим шаклларидан бири бўлиб, у жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилған.

Божхона органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақомига эга бўлиб, уларга ўз ҳудудларида божхона ишларини мустақил ҳал қилишларига имконият берилб, оптика васиийлар, бўйруқбозликларга барҳам берилған.

Давлат божхона қўмитаси қонуничиликка ва конституциявий меъёларга кўра иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкилий – ҳуқуқий тадбирлар кўриш ҳуқуқига эга.

Божхона органи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора эканлигидан келиб чиқиб, божхона хизмати ходими ўз хизмат вазифаларини тўлақонли адо этишини таъминлаш учун МЖТК нинг 194 ва 195 – моддаларига божхона органлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқий кафолатини таъминловчи қўшимчалар киритиш таклиф этилди. Ушбу қўшимчалар «194 – 1 – Божхона органи мансабдор шахсининг қонуний талабларини бажармаслик» ва «195 – 1 – Божхона органи мансабдор шахсларининг ўз хизмат бурчларини бажаришга қаршилик кўрсатиши» тарзида қўшимчалар киритиш таклиф этилди.

Диссертациянинг II бобида қайд этилган тартиб – қоидалар муайян божхона ҳудудида ва унинг чегараларида жорий этилади. Божхона ҳудуди деб, давлат ихтиёридаги ҳудудга айтилади; давлат шу ҳудуд доирасида ўзининг ҳудудий устунлиги яъни, раҳбарлигини амалга оширади.

Божхона чегараси бу чегара сарҳадларини, бу чизиқлар орқали ўтказиладиган вертикал сирт (юза) бўлиб, булар ташки ва ичкига бўлинади.

Мавжуд товарларни божхона ҳудуди орқали олиб ўтишнинг муайян расмий режимлари бир бўлиб, Божхона Кодексининг 8 – моддасида энг асосий тамойил сифатида қонунлаштирилган ва тавсифланган.

Божхона Кодексида унинг режимини таъминлаш ва ўзгартириш принциплари аниқ – равшан белгиланганлиги таъкидланган. Ушбу кодексда товарларни чегаралардан олиб ўтишнинг усул ва шартлари, бу соҳадаги тақиқ ва чеклашлар, буарининг жойлари, вақтлари ҳам белгилаб қўйилганлиги исботланган.

Амалда қўлланилаётган божхона режимлари ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиниб, Божхона режимларига 17 – божхона режимини киритиш таклиф этилмоқда. Чунки, ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг кўплаб чет давлатлардаги ваколатхоналари ҳамда савдо шаҳобчаларига товарлар вақтинча олиб чиқиш режимида мунтазам равишда жўнатилади. Бундай товарларни алоҳида ҳисобга олиш ва ҳуқуқий кафолатини таъминлаш мақсадида чет давлатлардаги ваколатхона ҳамда савдо шаҳобчаларига юбориладиган товарлар учун алоҳида 17 – божхона режими жорий этиш ҳақида таклиф киритилди.

Ташки, иқтисодий фаолият субъектларининг божхона қоидаларини бузишлари ва уларнинг жавобгарлик даражалари таҳлил этилган ва шарҳланган; товарларни божхона чегараларидан олиб ўтишда ТИФ қатнашчилари содир этадиган

қонунбузарликларнинг энг кўп тарқалган шакллари; БҚБ учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи омиллар аниқланган.

Божхона қонуларини бузганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарликлари қандай даражада, бериладиган жазолар эса қай тарзда бўлиши мумкин ва лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси асосида тавсифланган ва шарҳланган.

Божхона қоидабузарлигини содир этган жисмоний ва юридик шахслар, ҳатто ажнабийларнинг маъмурий жавобгарлик шакллари ва жазолар олиш даражалари батафсил тавсифланган.

Диссертацияда экспорт-импорт муносабатларини янада такомиллаштириш, товар алмаштириш соҳаларидаги қонунбузарликларга барҳам бериш ҳамда божхона ходимлари хавфсизлигини таъминлашнинг қўйидаги амалий тавсиялари олға сурилган:

1. Божхона ходимидан ҳар бирининг хизмат қиласиган жойида унинг учун хавфсиз шароитлар яратиш, техника хавфсизлигига қатъий риоя қилиш бўйича расмий йўриқномаларга жиiddий амал қилишини, буларнинг ҳуқуқий бурчи эканлигини англашлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

2. Божхона ходимининг ҳуқуқий кафслатларини таъминлаш мақсадида МЖТК нинг 194 ва 195—моддаларига божхона ходимига доир тегишли қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

3. Божхона текширувидан ўтказиш учун қадоқланган юкларни очиб кўрсатиш, текширилганидан сўнг юкларни қадоқланӣ йўловчи ёки унинг ҳамроҳи бажарадиган вазифа деб ҳисобланишини, бунинг акси кузатилишига йўл қўймасликни, юкларни очиб кўриш ва қадоқлаш уларни олиб ўтаётган шахслар иштироқида амалга оширишини тавсия қиласиз, токи уларда бу тадбир ҳакида шубҳа туғилмасин, юклардаги ҳар хил ашёлардан шикастланишларининг олди олинсин.

4. божхона ходимлари товарларни олиб ўтувчилардан кутиш эҳтимоли бўлган оғзаки ҳақоратлар, жисмоний шикаст етказиш чоралари кўриш ҳақидаги дўй-пўписа ва ҳоказоларга доим тайёр туришлари лозим деб ҳисоблаймиз.

5. Божхона тизимига доир янги қонун, фармон, қарор ва ҳоказолар эълон қилинганда уларнинг шарҳи ҳам эълон қилиниши таклиф этилади.

6. Божхона масканлари ҳам «Давлат божхона хизмати тўғрисида» ги қонунга биноан юридик шахс мақомига эга эканлиги инобатга олиниб, МЖТК нинг 262—моддасининг 2-қисмига «Божхона бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари»

сўзи ўрнига «Божхона органларининг бошлиқлари» сўзи киритилиши таклиф этилади.

7. Чегара божхона масканларининг аҳоли пунктларидан узоқда жойлашганлиги ва божхона хизматининг ўзига хос томонларини инобатта олиб, МЖТК нинг 309 – моддасига божхона органларининг бошлиқлари божхонага доир маъмурий ишларни коллегиал тартибда эмас, балки якка тартибда кўриб чиқиши мумкинлигига оид тегишли ўзгартиришлар киритилиши таклиф этилади.

8. Ўзбекистон Республикаси «Айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» ги 1996 йил 26 апрелдаги қонунига асосан, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 294 – моддасининг 3 – қисмига маъмурий иш материаллари жавобгар шахс иштирокисиз кўрилиши мумкинлиги белгиланган. Ана шу ўзгаришга асосан Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексининг 187 – моддаси 3 – қисмида «ильтимоснома тушмаган бўлса» деган сўзларидан кейин «ёки унинг бўлиш жойини аниқлаш имконияти бўлмаса ёхуд чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса ёхуд унинг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги ёзма ильтимосномаси бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилиши таклиф этилади.

9. Божхона Кодексининг 45 – моддаси «шахсни кўздан кечириш» га қўшимча тарзда 2 – қисм қуйидаги таҳрирда киритилиши таклиф этилади:

Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этган шахслар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 289 – моддасига биноан шахсий кўрикдан ўтказилади ва ашёлари кўздан кечирилади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТК 289 – моддасининг 6 – қисми чиқариб ташланиши мақсадга мувофиқдир.

10. Ўзбекистон Республикаси МЖТК 281 – моддасининг 2 – қисмида «Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади, гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади» деган сўзлар ўрнига «Баённома ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланганда иштирок этган шахслар томонидан имзоланади, башарти гувоҳлар, жабрланувчи ва холислар бўлмаган тақдирда баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатини содир этган шахс томонидан имзоланади» деб ўзгартириш киритилиши таклиф этилади.

Диссертация мавзуси бўйича қуйидаги илмий мақолалар ва ўкув кўлланмалар чоп этилган:

1) Ўзбекистонда божхона ишини ташкил этиш ва такомиллаштириш foялари». –Т.: «Ўзбекистон» 1996 й. 175 бет.

2) Организация таможенной службы в Республике Узбекистан». Ташкент, 1996 г. 18,7 п.л.

- 3) Божхона иши асослари. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, Тошкент – 1999.
- 4) Основы таможенного дела. Издательский дом «Мир экономики и права». Ташкент – 1998. объём 21,5 п.л.
- 5) Очиқ иқтисодиёт йўлидан. Издательский дом «Мир экономики и права», Ташкент – 1998. Объём 2,5 п.л.
- 6) «Божхона фаолиятини такомиллаштириш шахсий таркиб орасида хизмат интизомини мустаҳкамлашда божхона постлари бошлиқларининг ўрни ва долзарб вазифалари» мавзусида ўтказилган Семинар йигилиш материаллари. Ташкент – 2002.
- 7) Ўзбекистон XXI – аср бўсағасида: Божхона сиёсати, тараққиёт омиллари. Республика илмий – амалий анжумани материаллари. Тошкент, 1998 йил. Асосий маъруза «Божхона хизматини модернизациялаш ва унинг асосий йўналишлари».
- 8) «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида божхона тизимини такомиллаштириш йўллари». Тошкент, 2002 йил.
- 9) «Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигини такомиллаштириш», «Иқтисодиёт назариясини ўрганишида миллӣ мустақилик фояларини тингловчилар онгига сипидриши», «Ҳалқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда сомиқ механизми» Ҳалқаро конференция материаллари. Тошкент, 2002 йил.
- 10) «Нормативно – правовые акты, регулирующие таможенное дело». Ташкент, «Ўзбекистон» – 2002 г.
- 11) «Божхона фаолиятини такомиллаштириш, шахсий таркиб орасида хизмат интизомини мустаҳкамлашда божхона постлари бошлиқларининг ўрни ва долзарб вазифалари» мавзусида ўтказилган Семинар – йигилиш материаллари. Тошкент, 2002 йил.
- 12) «Божхона органлари ва иқтисодий хавфсизлик». «Қонун ҳимоясида» журнали, 1 –сон, 2003 йил.
- 13) «Божхона органларининг мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги ўрини». «Ҳаёт ва қонун» журналы, 1 –сон, 2003 йил.
- 14) «Божхона ҳуқуқшуносларини тайёрлашдаги айrim муаммолар». Республика илмий – амалий конференцияси материаллари. Тошкент, 2003 йил 1 ноябрь.

Short theme

The dissertation work of S.Alimbaev on the subject “Organization-right problems of exchanging goods at the territory of the custom-house in Uzbekistan” to submit candidate of law science thesis for a degree on field 12-00-02 constitutional law and management administrative law financial law

Modern economic development of the country and international relations prove the necessity of improving organization-right basis of exchanging goods on the territory of custom-house in the republic of Uzbekistan. It determines the urgency of the theme for research.

The main object of the dissertation based on comprehensive studing the problems of exchanging goods on custom-house territory of the republic that is realized by the representatives of external economic activity to work out suggestions for improving organizing to work out suggestions for improving organizing right base of this process.

To achieve this object we have solved the following tasks:

- a new approach for determining the role and meaning of custom-house service in insuring economic security of country was worked out.
- special features of determining conceptions were discussed: the territory of custom house for the aim of transferring goods through custom-houses border invested under different custom-houses rules.

So far the preventive methods and rules violation. The representatives of external economic activity and the rights protection and interests of external-economic activity participants worked out.

The scientific novelty of the dissertation is determined by an integrated approach for studing problems of exchanging goods process at the territory of the custom-house of the republic by the representatives of external-economic activity of different property forms and working out the suggestion on improving standard-rights base of this presses organization.

In course of research there were obtained the results, which are included:

- ensuring the articles adequacy of custom-house code adopted in 1997 to real process occurring in the system of goods exchange at the custom-house territory
- a number of custom-house legislation are determined. demanding solution and a number of methods are suggested for improving them.
- the necessity of marking strict of light and subjects responsibility of external economic activity for custom-house rights violation on goods exchange of custom-house territory
- methods improvement in the order of protecting legal rights and interests of external economic activity.

Краткое содержание

**Диссертационной работы С. Алимбаева по теме «Организационно-правовые
проблемы товарообмена на таможенной территории Республики Узбекистан » на
соискание ученой степени кандидата юридических наук
по специальности 12-00-02**

Современное экономическое развитие страны и международные отношения обуславливают необходимость совершенствования организационно-правовых основ товарообмена на таможенной территории Республики Узбекистан. Это и определяет актуальность темы исследования.

Основная цель диссертационной работы на основе всестороннего изучения проблем товарообмена на таможенной территории Республики, осуществляемая субъектами внешнеэкономической деятельности, разработать предложения по усовершенствованию организационно - правовой основы этого процесса.

Для достижения поставленной цели нами решены следующие задачи:

- разработан новый подход к определению роли и значения таможенной службы в обеспечении экономической безопасности страны;
- рассмотрены особенности определения понятий: таможенная территория и таможенная граница для целей перемещения товаров через таможенную границу, помещённых под различные таможенные режимы.

При этом разработаны методики предупреждения и пресечения нарушений таможенных правил субъектами внешнеэкономической деятельности, а также защиты прав и интересов участников внешнеэкономической деятельности.

Научная новизна диссертационной работы определяется комплексным подходом к изучению проблем процесса товарообмена на таможенной территории республики субъектами внешнеэкономической деятельности различных форм собственности и разработкой предложений по совершенствованию нормативно-правовой основы организации этого процесса. В ходе исследований получены ряд результатов, которые заключаются:

- в обеспечении адекватности статей Таможенного Кодекса, принятого в 1997 году, к реальным процессам, происходящим в системе товарообмена на таможенной территории;
- определяется ряд проблем таможенного законодательства, требующих решения и предлагается ряд методов их совершенствования;
- доказана необходимость ужесточения методов борьбы и ответственности субъектов внешнеэкономической деятельности за нарушение таможенных правил по товарообмену на таможенной территории;
- совершенствование методов в порядке защиты законных прав и интересов субъектов внешнеэкономической деятельности.